

# КОРРУПЦИЯ

## давлатга ҳам, жамиятга ҳам зиён етказади

Менда иккита йўл бор эди: биринчиси – ўғирлаш ҳамда дўстларим ва қариндошларимни «Forbes» рўйхатига киритиш, бу билан халқимни куп-қуруқ ер устида қолдириш, иккинчиси – халқимга хизмат қилиш ва мамлакатни дунёнинг энг яхши мамлакатлари ўнталигига киритиш.

Мен иккинчисини танладим...

Ли Куан Ю, Сингапурнинг биринчи Бош вазири



қари ижрочилар, ташкилотчилар, ёрдамчилар ва қизиктирувчи шахслар ҳам жиноят субъекти бўлиши мумкин.

Коррупционерларнинг шахсияти тўғрисидаги маълумотлар ҳар бир конкрет ҳолат бўйича коррупцион алоқалар сабабини аниқлаш имконини беради. Тадқиқотчиларнинг фикрича, инсонни ҳар қандай ҳаракатта ундовчи сабаб унинг ижтимоий аҳволидан келиб чиқадиган шахсий хусусиятларига боғлиқ бўлади. Психологлар эса кўпчилик инсонларда вижданнинг ўз нархи бўлишини таъкидлашади. Масалан, АҚШ президенти Авраам Линкольн ўз даврининг энг вижданли одамларидан деб тан олинган ва унга жуда катта пора таклиф қилган кишини ўз кабинетидан улоқтириб ташлаган. Ундан нега ўзини бунчалик қўпол тутгани ҳақида сўрашганда, «Ҳар кимнинг ўз нархи бор, у эса меникига яқинлашиб қолган эди» деган экан.

Мансабдорларнинг адолатсизлиги, маънавий бузуклик ва сотқинликка мойиллик коррупцион жиноятларнинг белгилари бўлиши мумкин.

**Коррупционернинг оддий жиноятчидан, оддий ўғридан нима фарқи бор? Биринчидан, унинг касбий билимлари бор, иккинчидан, у муайян ваколатта, ҳокимиятга эга. Бу эса жиноятнинг ижтимоий хавфини янада кучайтиради.**

Коррупционернинг яна бир хусусияти — иккизламачилиқдир. Яъни унга давлат ва жамият ишонч билдириши учун ўзининг барча ижобий томонларини кўрсата олади, тартибли зиёли ролини ўйнаб беради.

Коррупцион жиноятлар субъектлари протекционизм принципини кўпроқ қўллайди, яъни ўз қариндош-уруғи

Коррупция — турли ҳаракатларни қамраб олувчи ўзига хос механизмга эга жиноят. Бунда бир томон — коррупционер, яъни хизматда бўлган шахс ноқонуний равища ўз ваколат ва вазифаларини жисмоний ва юридик шахсларга «сотади». Иккинчи томон — корруптер, яъни «сотиб олувчи» ўз мақсади (мисол учун, имтиёзга эга бўлиш, жамоат назоратидан ёки қонунда белгиланган жавобгарлиқдан озод бўлиш) йўлида коррупционер тақдим этган имкониятдан фойдаланади. Уларнинг ортида эса коррупцияни ташкил қўлувчи шахс — коррумпатор туради.

Коррупциянинг муҳим специфик хусусияти коррупциявий қилмишлар субъектларининг ўзига хослигидан иборат. Яъни қилмишнинг бир томонида мансабдорлар ёки бошқа хизматчилар, иккинчи томонда эса ҳар қандай жисмоний ва юридик шахс бўлиши мумкин.

Кўплаб олимларнинг фикрича, коррупцияга қарши курашда коррупцион муносабатларнинг субъектларини аниқлаш масаласига илмий асосланган ҳолда ёндашиш лозим. Масалан, коррупционер ва корруптердан таш-

ва таниш-билишлари — одамларни бошқаришга ноқобил шахсларни давлат ҳокимияти структурасига киритади. Улар эса ўз камчиликларини ходимларига нисбатан кўпол ва менсимай муносабат билдириш билан ёпишга ҳаракат қилишади. Уларга қуий бўғиндаги раҳбар ва ходимлар тақлид қиласди. Бу эса давлат бошқарувидан ташқари жамиятнинг ҳам хулқ-авторини буза бошлади.

Давлат структурасида ишлаган ва қўплаб коррупцион ҳолатларнинг гувоҳи бўлган ҳалол ва вижданли ходимларнинг фикрича, қўплар бундай жиноят содир этилаётганини билган ёки гумон қилган бўлса-да, ваколатли органларга хабар бермайди.

#### **Бунинг бир қатор сабаблари бор:**

1) одатда коррупцион жиноятнинг белгилари кўринади, бироқ қилмиш жиноятта тортадими, йўқми, аниқ бўлмайди;

2) қўплаб гувоҳлар ўз ишидан айрилиб қолишдан ёки таъқиб қилинишидан кўрқади, айниқса, хизмат юзасидан жиноятчига тобе бўлса;

3) кўпчилик ишхонадаги қонунбузилиш ҳолатлари ҳақида бошқаларга маълумот етказиш «сотқинлик» эканига ишонади;

4) айрим ходимлар ёки фуқаролар ўша идора ёки ташкилотдаги ҳолат бир кунмас-бир кун «портлашини» кутиб турди, бу борадаги гумонларини айтишга шошилмайди.

Коррупциядан давлат ҳам, жамият ҳам катта зарар кўради. Лекин унинг энг аламли қурбони — мансабдорлардан таниш-билиши, қариндош-уруги бўлмаган оддий халқдир.

#### **Коррупция қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?**

Коррупция давлатнинг конституциявий асосларини ёмиради, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келади. Бундан ташқари:

— давлат иқтисодиётига жиддий зиён етказади;  
— ҳалол меҳнат билан кун кечираётган кишиларга маънавий зарар етказади;

— халқ ва давлат органлари ўртасида ишончизиликни юзага келтиради;

— аҳолининг салоҳиятли қисми (зиёлилар, илм-фан намояндалари, тиббиёт ходимлари кабилар) мамлакатдан чиқиб кетади;

— солик, божхона, молия ва бошқа шу каби муҳим соҳалардаги коррупция мамлакат иқтисодиёти барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиб, муайян гуруҳдаги шахсларнинг ноқонуний бойишига олиб келади.

Криминолог олимлар ва мутахассисларнинг фикрича, тўпланган тажриба асосида республикамизда коррупцияга қарши қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

#### **1) Ҳукуқ ижодкорлиги соҳасида:**

— ҳозирга қадар қабул қилинган ва амалда бўлган норматив ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертиздан ўтказилишини таъминлаш;

— қонунчиликнинг ҳар бир соҳасида коррупцияни олдини олиш юзасидан тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

— «Давлат хизмати ва хизматчилари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш.

#### **2) Давлат хизматчилари ва мансабдорлар фаолиятини такомиллаштириш соҳасида:**

— қарор қабул қилиш ва масалаларни ҳал этишда аниқ масъулларни белгилаш;

— мансабдорларнинг хизмат фаолиятини ҳукукий жиҳатдан аниқ ва қатъий белгилаб қўйиш;

— меҳнат ва лавозимига лойиқ иш ҳақи бериш;

— кадрларни танлаш ва лавозимини оширишнинг аниқ мезонларини жорий этиш;

— давлат хизматчилари ва мансабдорларнинг даромад ва ҳаражатларини назорат қилиш тизимини йўлга қўйиш зарур.

#### **3) Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш соҳасида:**

— коррупцияга қарши курашадиган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

— ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигини такомиллаштириш;

— коррупцион жиноятчилик марказига айланган жойларни тўла «тозалаш»;

— соҳада оммавий аҳборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтларига кенг йўл очиб бериш лозим.

Коррупцияга қарши курашиш ва дунё бўйича коррупция даражасини тадқиқ этиш билан шуғулланувчи «Transparency International» ташкилотининг 2016 йилда эълон қилинган маълумотларига кўра, Ўзбекистон Камбоджа, Конго билан бирга 156-ўринни банд этган, кучли ўнликдан эса Дания, Янги Зеландия, Финландия, Швеция, Швейцария, Норвегия, Сингапур, Нидерландия, Канада ва Германия ўрин олган. Уларнинг орасида ягона Осиё давлати бўлмиш Сингапур тажрибасини кўриб чиқсан, у ерда ҳам 1970 йилгача, яъни ҳукумат тепасига Ли Куан Ю келгунига қадар коррупциянинг ҳамма кўринишлари авж олган эди. Ли Куан Ю мамлакатда коррупцияга қарши кураш бошлаганини эълон қилганида халқ орасида бу сўзларга ишонмасдан, «қандай курашиш мумкин, ҳаммаёқ коррупцияга тўлиб кетган-ку?» деб кулганлар ҳам бўлган экан.

Хулоса қилиш мумкинки, коррупцияга қарши астойдил курашилса, қонунчиликдаги «бўшлиқ»ларга барҳам берилса, бу иллатдан қутулиш мумкин.

**Саҳодулла ШОМИРЗАЕВ,**  
Олий ҳарбий божхона институти катта ўқитувчиси,  
божхона хизмати майори